

«Туркистон вилоятининг газети» 54-ракамида Тошканд мусулмон авомларининг адабсизликидин зорлануб, аларнинг кўчалардаги беадабона холларини тафсил ила ёзубдурки, диккат этуб ўқудук. Лекин шунинг сабаби ва иложи тўғрисида ўз фикрини ёзмагонига таажжуб этдик. Шояд мундин сўнг ёзар. Бизнинг фикримизча, ёлгуз Тошканд авомлари эмас, бутун Туркистон авомларининг кўбиси адабсиздур. Мунинг сабаби бўлса, аввал ўз уйида, сўнгра мактабда лозиминча тарбия кўрмаслики ва жахолатдур. Модомики, уйимизда ва мактабимизда тарбия кўрмасмиз, киёматгача адабли бўлмаймиз, одам каторига кирмаймиз.

Хозир бизларни ким тарбия этар? Уйда ота-онамиз, мактабдаги хат ва саводзада мулломиз ва кўчалардаги бад-ахлоқ авомимиз тарбия этадурми? Бас, бизларнинг мураббийимиз мана шулар бўлган холда, биз кайдан адабли бўлайлук, тирикчилик килайлук. Хайр, холимиз шундай экан, мунинг айби кимгадур ва мунинг иложини ким айтар? Шубхасиз, бу холимиз учун айбдор масъул уламомиз ва кадимги мусулмон мансабдорларимиздур. Ва мунинг иложини топмок хам аларга оид ва лозимдур. Агарда хонларимиз, улугларимиз ва рухонийларимиз ўз зиммаларидаги вазифаларини адо килиб келсалар эди, биз мусулмонлар бу кунда мундай разил суратда жохил ва беадаб бўлуб колмас эдук. Бизнинг бахтсизлигимизга каршу улугларимизнинг ва хонларимизнинг ўз эhtiёжимизга ярарлик илмлари йўкликидин бўлди. Энди замонимизга мувофик янги асбоб керак. Эски юнон исхулостики [\[1\]](#) бу 20-асрда ярамайдур.

Агарда бизнинг уламолар «русча ўкумок харом» каби халкга мазарр сўзларига давом этсалар, вой холимизга. Эмди ўз дардимиз давосини ўзимиз топсак лозим. Истикболимизга ярарлик асбоб ва олим одам тайёрламок керак. Аввал, Русия мадрасалари каби жойларга талаба юборуб яхши муаллим ва тараккийпарвар уламо етишдирайлук. Сўнгра аларга мактаб ва мадрасалар очуб беруб ўз авлодимизни яхши ўкутайлук ва тарбия этдурайлик.

Агарда биз Туркистон мусулмонлари ушбу кундан бошлаб мазкур чораларга ташбиш этсак, ўн йидцан сўнг ишимизни бир тартибга солуб, андогларга мухтож бўлмай ўз вазифасини билмайтургон мусулмон улуглар ўрнини янги тараккийпарвар ёшларимиз ишгол этар ва биз хам ул вақт максудимизга етгон бўлурмиз. Андин сўнг хеч ким авлодимизнинг адабсизлигидин зорланмас. Иншоолох, шундай бўлур. Иктизои замон хам шудир.

«Туркистон вилоятининг газети»,

1913 йил, 1 август